

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 3-aprel, chorshanba № 24 (15662)

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕХНАТ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Азиз дўстлар!

Сиз, ҳурматли депутатлар ва сессия қатнашчилари билан, Тошкент вилоятининг фаоллари билан кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдиришдан мамнунман.

Очигини айтадиган бўлсам, сиз азизлар билан кўпдан бери учрашмаганимизни англаб, ўзим ҳам сизлар билан яқиндан учрашиб, суҳбат қуришга эҳтиёж сезиб юрганимни айтмоқчиман.

Сизлар билан дийдор кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бугунги ҳаёт ҳақида — ҳаёт муаммосиз бўлмайди, албатта — олдимизда турган вазифалар, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида фикр алмашиб, тегишли хулосалар чиқариб олиш кераклигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай очиқ учрашув ва мулоқотларда ён-атрофимиздаги бугунги нотинч, тобора мураккаблашиб бораётган бир вазиятда турли хавф-хатарларнинг олдини олиш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини юксалтириш, уни янада мазмунли қилиш бўйича очиқчасига гаплашиб олиш, сизларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни эшитиш, ҳеч шубҳасиз, айни муддао бўлур эди.

Шу маънода, бугун фақат сессия кун тартибига киритилган масала билан чегараланмасдан, Тошкент вилоятининг ривожланиш суръатлари, эришилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмасдан келаётган, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммолар ҳақида атрофлича гаплашиб олсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Тошкент вилоятининг юртимиз ҳаётидаги мавқеи ва аҳамияти ҳақида сўз борганда, қайси нуқтаи назардан қарамайлик — бу унинг тарихий ёки жуғрофий ўрни бўладими, иқтисодий-ижтимоий имкониятлари, инсоний салоҳияти бўладими — мамлакатимиз тараққиётида катта роль ўйнайдиган ана шундай омиллар ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин.

Тошкент вилояти, бошқа минтақалар билан солиштирганда, ҳосилдор тупроғи, бой минерал-ҳомашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туради. Ўзининг бетакрор иқлими, гўзал табиати ва хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишининг ҳайратини ўзига тартади.

Вилоятнинг унумдор заминидида миришкор дехқонларнинг пешона тери билан етиштирилаётган ноз-неъматлар фақат воҳа аҳолисини эмас, шу билан бирга, азим пойтахтимизда, бу улкан шаҳарда яшаётган 2 миллион 600 мингга яқин одамни мевачева, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа ҳаётий зарур маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашга қандай катта ҳисса қўшаётганини барчамиз яхши биламиз.

(Давоми 2-бетда)



Сардор Муллажонов фотокллажи

## Юксак ишонч ва эътибор самаралари

Bolalar sporti

Президентимиз Ислам Каримов жорий йилнинг 15 март куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида қизлар ўртасида спортни оммалаштириш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Спорт — ўғил-қизларнинг баркамол бўлиб вояга етишида, уларда мустақам ирода, ғалаба ва аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, фахр-ифтихор туйғуларини сингдиришда кучли воситадир. Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Бола-

лар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшларимизни ана шундай эзгу фазилатлар асосида тарбиялаш, ҳар томонлама соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишдир.

Бугун ёшларимиз спортнинг ўттиздан ортиқ тури билан мунтазам шу-

ғулланмоқда. Улар турли халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда совриндор бўлаётир. Спорт турларининг барчасида ўғил болалар билан бирга қизлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Илгари фақат эркаклар шуғулланиши мумкин деб ҳисобланган спорт турларида қизларнинг ҳам юқори натижалар кўрсатиб, давлатимиз байроғини юқори кўтароётгани барчамизни қувонтиради.

Президентимиз таъкидлаганидек, қизларни ёшлигидан спортга жалб этиш, қизиқтириш биз учун муҳим масала. Эрта-

га она бўладиган, янги инсонни дунёга келтирадиган, оила ва жамият таъинчи бўладиган қизларни ёшлиқдан спорт билан ошно этиш масаласига янада жиддий эътибор бериш, бу борада эски қарашларга бутунлай чек қўйиш зарур.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида қизларни спортга жалб қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Буни 2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар, 2003 йил билан солиштирилганда 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар кўпайгани ҳам яққол тасдиқлайди.

(Давоми 5-бетда)



# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

(Давоми,  
боши 1-бетда)

Тошкент вилоятида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлмиш саноат соҳаси юқори даражада ривожлангани ҳаммамизга яхши маълум. Бугунги кунда вилоятнинг мамлакатимиз саноатидаги улуши, Тошкент шаҳри билан қўшиб ҳисоблаганда, 33,5 фоизни ташкил этиши ҳам шуни тасдиқлаб беради. Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 9,6 фоизи, саноат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларининг 9,4 фоизи айнан Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини кўрсатади.

Воҳада ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё ва нефть-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг машҳур «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ноёб ҳисобланган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий заводни, Чирчиқ, Олмалик, Бекобод шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларини келтириш мумкин. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни нафақат минтақамиз, балки чет элларда ҳам харидорлар яхши билади ва тан олади.

Тошкент вилояти ҳақида гапирганда, яна бир муҳим хусусият ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан. Бу аввало вилоят аҳолисининг интеллектуал даражаси, билим ва тажрибаси, маънавий савияси билан ажралиб туришида намоян бўлади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис мана шу диёрга меҳр қўйиб, уни обод қилиб келаётган меҳнатсевар ва олижаноб инсонлар ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, уларга миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Хурматли депутатлар! Мустақил тараққиёт йилларида Тошкент вилоятида яратилган иқтисодий салоҳиятни янада ошириш, уни пойтахт вилояти деган номга муносиб даражага кўтариш учун сизлар билан бирга амалга оширган ишлардан ҳаммамиз албатта хабардоримиз.

Вилоятнинг кейинги йилларидаги иқтисодий ўсиши ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало бутун мамлакатимизда бўлгани каби, бу ерда ҳам барқарор ривожланиш суръатлари сақланиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Буни ўтган 2012 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 5 фоизга, саноат қарийб 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,7 фоизга, пуллик хизматлар 15 фоизга ўсгани яққол тасдиқлаб турибди.

Агарки 2000 йилга нисбатан қиёслайдиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари икки баробар, пуллик хизматлар олти баробар, қурилиш-пудрат

ишлари эса уч баробардан зиёд ошганини кўриш мумкин.

Вилоят саноатини эл-юртимиз, аввало мана шу заминда яшаётган инсонлар манфаатини кўзлаб ривожлантириш бўйича кейинги йилларда қилган ишларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан, Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия заводи, Чирчиқ ва Олмалик шаҳарларидаги кимё корхоналарига кенг кўламли инвестициялар жалб этилиб, техник ва технологик модернизация ишлари амалга оширилди. Шулар қаторида Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади, Фарход ГЭС, Чорвоқ ГЭС, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси сингари энергетика объектларида, Ангрен қўмир қонида модернизация ишлари давом эттирилмоқда.

Айниқса, «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолияти йўлга қўйилиши билан вилоят иқтисодиёти учун янги-янги имкониятлар очилмоқда. Мен бу ҳақда кўп гапирмасдан, фақат баъзи рақамларни келтириш билан кифояланмоқчиман. Ҳозирги вақтда мазкур индустриал зона ҳудудида 186 миллион доллардан ортиқ қийматдаги 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, ишлатилган нефть маҳсулотларидан базавий мой тайёрлаш, турли ҳажмдаги мис қувурлар, санитария-техник ва бутловчи буюмлар, сопол плиталар, қўмир брикети, чарм буюмлар ишлаб чиқариш комплекси шундай лойиҳалар сирасига кирилади. Шунингдек, бу ерда шакл ишлаб чиқариш заводи қуриш мўлжалланмоқда. Буларга қўшимча равишда умумий қиймати 245 миллион долларни ташкил этадиган яна 22 та лойиҳани амалга ошириш бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда. Собиқ «Резинатехника» корхонаси негизда автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган лойиҳа бўйича эса ишлар бошлаб юборилди.

Бир сўз билан айтганда, **охирги беш йил давомида Тошкент вилояти бўйича 1 миллиард 500 миллион доллар миқдоридagi маблағ сарфланиб, 58 та йирик инвестиция лойиҳаси тўла амалга оширилди. Бу ишларнинг давоми сифатида 2013 йилги инвестиция дастури доирасида вилоятда қарийб 545 миллион доллар маблағ ҳисобидан 69 та лойиҳани ҳаётга жорий этиш кўзда тутилмоқда.**

Азиз дўстлар, албатта, бу рақамлар ҳақида шунчаки гапириш осон, лекин улар қандай катта маблағ, қандай катта меҳнат ҳисобидан амалга оширилаётганига эътибор беринг. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвесторларни отанг яхши, онанг яхши, деб юртимизга олиб келиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун тинимсиз ҳаракат қилиш, хорижий ҳамкорларни топиб, уларга барча зарур шароитларни яратиб бериш керак. Масалан, мана шу «Резинатехника» заводи бўйича хитойлик ҳамкорларимиз билан аниқ бир битимга келиш учун кейинги уч йил давомида қанча-қанча иш

олиб боришга тўғри келди.

Ёки Тошкент вилоятининг салоҳиятига салоҳият қўшишга хизмат қиладиган «Ангрен» махсус зонасини оладиган бўлсак, бу лойиҳага худдики ўзининг шахсий ишидек қараб, уни амалга оширишга сидқидилдан ҳисса қўшган барча мутахассис ва мутасаддиларга раҳмат айтсак, арзийди.

Албатта, халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати билан қўлга киритилган бундай ютуқ ва марралар, режа ва дастурлар барчамизга гурурифтхор, энг муҳими, эртанги кунга ишонч бағишлайди. Лекин, биз бугун қўлга киритилган ютуқ ва марралар билан бир қаторда, Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд бой имконият ва ресурслардан етарлича фойдаланиш борасида бир қатор камчилик ва оқсоқликларга йўл қўйилаётганига кўпроқ эътибор беришимиз зарур.

Кўзга ташланадиган муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, шуни таъкидлашимиз зарурки, вилоят саноатининг 88 фоизи Олмалик, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оҳангарон, Қибрай, Янгийўл ва Зангиота туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолган 10 та туманининг бу борадаги улуши 12 фоизни ташкил этади, холос.

Айниқса, Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Қуйичирчиқ туманларининг вилоят саноатидаги улуши бир фоизга ҳам етмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳудудий саноат таркибида маҳаллий тасарруфдаги корхоналар ҳиссаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Охириги 3 йилда бу кўрсаткич 25,3 фоиздан 22,8 фоизга тушиб қолгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, бу ҳудудларнинг барчасида ўзимизнинг одамларимиз яшайди. Лекин нима учун бир туманда саноат жадал ривожланмоқда, иккинчисида эса оқсоқликка йўл қўйилмоқда? Қолбуки, Тошкент вилоятида саноат, ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бу вилоят шундай ихчам жойлашганки, унинг бир туманидан иккинчи туманига бориш жуда қулай, яъни йўл-коммуникация масаласида бу ерда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Шундай экан, талаб ҳам шунга яраша катта бўлиши табиий.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, ҳозирги кунда ёшларимиз замонавий касб-хунарларни эгаллашга, ҳаётдан ўз ўрнини топишга интилмоқда. Лекин, нима учун Юқоричирчиқ, Уртачирчиқ, Қуйичирчиқ туманларида янги, замонавий саноат корхоналарининг салмоғи ва самараси ҳалигача сезилмаяпти?

Такрор айтаман — бизга бўлаверади, деган эскича қараш билан фақат томорқадан олинандиган даромад ёки олди-сотида ишларига кўз тикиб яшаш бизга энди ярашмайди. Бунинг учун одамда аввало гурур туйғуси бўлиши лозим.

Бу муқаддас заминда гурурсиз, ифтхорсиз яшаб бўлмайди. Шахсан мен, ўзбек боласи қаерда бўлмасин, доимо ўз юртига сажда қилиб, унинг тупроғини кўзига тўтиё этиб яшаши-

ни истардим. Ҳар қандай шароитда ҳам ор-номус деган тушунчани баланд тутиб, шундай буюк юртга муносиб фарзанд бўлиб яшаш керак. «Ор-номус» деган сўзнинг бошқа тилларда ўхшаши, таржимаси йўқлигининг ўзи ҳам Яратганимиз бизнинг халқимизга қандай улуғ, қандай беқийёс фазилатлар ато этганини англамайдимиз?

Мен Президент — давлат раҳбари сифатида мамлакатимизни ривожлантириш, турмушимизни обод қилиш, халқимиз, авваламбор ёшларимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун нимаики керак бўлса, барча-барчасини ташкил қилиб беришга, ана шу эзгу мақсад йўлида ҳаётимни бағишлашга ҳаммиша тайёрман.

Бу Ватан — ўзимизники, барчамизники. Унинг камчилиги ҳам, ютуғи ҳам ўзимизники. Шундай экан, гўзал ва бетакрор юртимизнинг бугунги ва эртанги куни, ёруғ келажаги учун авваламбор ўзимиз масъул эканимизни унутмаслик керак.

Шу нуқтаи назардан фикримизни давом эттирадиган бўлсак, Тошкент вилоятида баъзи корхоналарнинг тўла қувват билан ишламаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ўтган йили вилоят корхоналарида ип-газлама ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан атиги 34 фоиз, трикотаж мато ишлаб чиқариш бўйича 52 фоиз, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бўйича эса 66 фоиз фойдаланилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ана шундай оқсоқлик туфайли сўнги беш йилда Тошкент вилоятида саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиш суръатлари мамлакатимиз бўйича ўртача кўрсаткичдан анча кам, яъни 2,5 фоизга паст бўлгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш масаласига қандай катта аҳамият берилаётгани барчамизга яхши маълум.

Тошкент вилоятида «Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер», «Бекободцемент» акциядорлик жамиятлари, «Фазалкентойна» қўшма корхонаси ва бошқа йирик қувватлар бўлишига қарамадан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган тармоқнинг ялпи саноат маҳсулотидagi улуши камайиб, 2000 йилдаги 9,5 фоиздан 2012 йилда 8,5 фоизга тушиб қолган.

Экспорт масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, 2012 йилда бу борадаги дастурга киритилган корхоналардан 30 таси белгиланган кўрсаткичларни бажармагани туфайли 36 миллион доллардан ортиқ маҳсулотни экспорт қилиш режаси бой берилганини афсусланиб айтиш лозим.

Вилоятда хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган 451 та корхонадан 21 таси фаолият кўрсатмаяпти. Бундай корхоналарнинг асосий қисми Оҳангарон, Уртачирчиқ, Қибрай туманларида, Олмалик ва Янгийўл шаҳарларида жойлашган.

Ҳеч кимга сир эмас, вилоят ҳудудида кўмир, коалин, мис, асбест ҳамда қурилиш хомашёларининг бой захиралари мав-

жуд. Шунингдек, катта микдорда мева-сабзавот, гўшт, сут, пилла маҳсулотлари етиштирилади. Лекин, минг афсуски, ана шу қимматбаҳо хомашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш, уларни чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиб, қўшимча маблағ, қўшимча даромад топиш, энг муҳими, одамларимиз учун янги-янги иш ўринлари яратиш масалалари эътибордан четда қолиб келмоқда.

Бундай аҳволни тубдан ўзгартириш учун Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги билан биргаликда аниқ чоратадбирлар дастурини амалга ошириши зарур. Бунда, авваламбор, «Ангрен» махсус индустриал зонасида ташкил этилаётган корхоналарга берилган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзларидан самарали фойдаланиш, салоҳиятли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий шерикларни жалб этиш учун кўмаклашиш, шунинг ҳисобидан юқори технологиялар ва инновацион ғоялар, тайёр маҳсулот, ички ва ташқи бозорда рақобатдош бўлган товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўзда тутиш даркор.

Азиз дўстлар!

Тошкент вилояти азалдан ўзининг деҳқончилик анъаналари билан шуҳрат қозониб келгани барчамизга яхши маълум.

Вилоятда ҳозирги вақтда 6 минг 100 дан кўпроқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан қарийб 588 минг тонна ғалла, 241 минг 400 тонна пахта хирмони бунёд этилди.

**Бугун мен, мана шу юксак минбардан туриб, вилоятнинг барча деҳқон ва фермерларига ана шундай фидокорона меҳнатлари учун чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.**

Мен яхши тушунаман, тўғри англайман — қишлоқ хўжалиги шундай мураккаб соҳаки, унда ҳар йили қутилмаган бир муаммо пайдо бўлади. Деҳқоннинг меҳнати, чеккан машаққатини фақат деҳқон билади. Саноат корхонасида ишлаш ҳам албатта осон эмас, лекин ишчи ёки муҳандиснинг иш вақти аниқ. Аммо, айтинглар, деҳқоннинг аниқ иш вақти борми? Агарки шундай меҳнатни қадрламасак, нимани қадрлашимиз керак ўзи?

Бугунги кунда деҳқоннинг қосасини оқартирадиган — бу фермерлик ҳаракати эканини ҳаммамиз яхши тушуниб олдик, деб ўйлайман. Биз шу йўлга ўтдикми, энди фермерларимиз учун янада кенг йўл очиб беришимиз керак.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда вилоятда нафақат пахта ва галлачилик, балки сабзавотчилик, узумчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам самарали фаолият юритаётган, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этаётган **ўнлаб кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.**

(Давоми 3-бетда)



# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

(Давоми, боши 1-, 2-бетларда)

Бугунги давр талабини, эртанги кунни ўйлаб иш олиб бораётган Пискент туманидаги «Зиёда», Қўбрай туманидаги «Шухрат Миррахмедов», Янгийўл туманидаги «Муфассал агро», Юқоричирчиқ туманидаги «Кавсар замин», Паркент туманидаги «Бойқозон байналмилал», Зангиота туманидаги «Сайфуддинова Хонзода», Уртачирчиқ туманидаги «Мирзакарим Тешабой», Бўстонлик туманидаги «Сойлик Азимжон», Оққўрғон туманидаги «Сарбон Самандар» каби фермер хўжалиқларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Албатта, ҳаммамизга аёнки, мўл ҳосил етиштириш учун аввало ернинг унумдорлигини ошириш лозим. Шу мақсадда, бутун мамлакатимизда бўлган каби, Тошкент вилоятида ҳам Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида **охирги беш йилда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу борада 46 миллиард 100 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, 173 та замонавий мелиоратив техника, жумладан, 95 та экскаватор ва бульдозер харид қилинди.**

Ҳозирги кунда 88 километрдан зиёд коллектор-дренаж тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, қарийб 6 минг километрлик тармоқда эса таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилгани, ҳеч шубҳасиз, ўз амалий натижасини бермоқда. Жумладан, охириги 4 йилда вилоятда картошка етиштириш 67 минг тоннага, сабзавот 378 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 28 минг тоннага, мева ва узум эса 60 минг тоннага ошгани ана шундай ишларимиз самараси, десак, янглишмаган бўламан.

Шу билан бирга, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан амалий ёрдамга қарамасдан, Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида сўнгги йилларда пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг пасайиш ҳолатлари кузатилаётгани барчамизни афсуслантиради.

Агарки 2012 йилда пахта ҳосилдорлиги мамлакатимиз бўйича ўртача 26,8 центнерни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Уртачирчиқ туманида 20,6 центнерни, Бекобод ва Бўка туманларида 25 центнерни ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Еки бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги мамлакатимиз бўйича 52,3 центнерни ташкил этган бўлса, бу рақам Бекобод туманида 37,7 центнерни, Янгийўл туманида эса 32,2 центнерни ташкил этган.

Вилоятдаги айрим фермер хўжалиқлари сурункали равишда шартнома мажбуриятларини бажармасдан келмоқда. Утган йили вилоятда давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилган бўлса-да, 110 та фермер хўжалиги пахта, 151 та фермер хўжалиги эса ғалла етиштириш бўйича зиммасига олган шартнома мажбуриятини уддалай олмаган.

Тошкент вилояти мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш, ҳосилдорликни ошириш ва янги агротехнологияларни жорий этиш, юқори самара берадиган боғ ва узумзорлар яратиш бўйича катта им-

кониятларга эга экани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Вилоятда янги мевали боғлар ва токзорларни барпо этишга етарлича эътибор қаратилмапти. Мисол учун, 2012 йилда вилоят бўйича атиги 623 гектар янги боғ ва 146 гектар токзор ташкил этилган. Янгийўл, Қуйичирчиқ, Бўстонлик туманларидаги айрим фермер хўжалиқларида мевали боғ майдонларидан гектарига 50-55 центнер ҳосил етиштирилган, холос.

Утган 2012 йил мавсумида вилоятда мева ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 4 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич Самарқанд ва Наманган вилоятларига қараганда 4-5 фоиз пастдир. Шунингдек, 2012 йилда вилоят бўйича мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўртача 40 фоизни ташкил этганини қониқарли баҳолаб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиш мавсуми учун сифатли сақлаш мақсадида Тошкент вилоятида мева-сабзавотларни сақлайдиган холодильникларнинг қуввати охириги беш йилда икки баробар оширилиб, 80 минг тоннадан ортгани эътиборга лойиқ, албатта. Лекин, ўтган йили ташкил этиш режалаштирилган 6 та холодильникдан фақат 4 таси ишга туширилгани бу масалада ҳам оқсоқлик борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш, жумладан, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил қилиш, уларнинг самарали ишлаши учун барча шароитларни яратиб бериш ҳукумат ва мутасадди ташкилотларнинг устувор вазифаси бўлиши лозим. Бу борада биз янги ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ташаббус ва амалий ҳаракатларни кутишга ҳақлимиз. Жорий йилда Тошкент вилоятида ҳокимликлар ва фермерлар кенгашлари бошчилигида 2 минг 260 дан зиёд кўп тармоқли фермер хўжалиқларини барпо этиш бўйича 97 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилаётгани бу масаланинг ижобий ҳал этилишига ишонч туғдиради.

Муҳтарам депутатлар!

Кейинги йилларда Тошкент вилоятида йўл-транспорт, коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш масаласига қандай катта эътибор берилаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Айниқса, Ангрен шаҳрида ташкил этилган Халқаро транспорт логистика маркази орқали 2010 йилдан бошлаб Фарғона водийси вилоятларига ва улардан мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига 16 миллион тоннадан ортиқ юк етказиб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бизга сувдек, ҳаводек зарур бўлган бундай марказларни, транспорт ва коммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришни бугунги ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини ҳаммамиз яхши тушунамиш. Шу мақсадда яқинда 116 километр узунликдаги Гулистон — Оҳангарон янги автомобиль йўли қуриб битказилганидан хабардорсиз. Бу йўлнинг аҳамияти шундаки, у

фақат масофани қисқартириб қолмасдан, Тошкент минтақаси орқали ўтадиган транспорт воситалари сонини оптималлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 8 миллиард сўм маблағ ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш, шунингдек, 10 миллиард 600 миллион сўм маблағ йўналтириб, 160 дан ортиқ аҳоли пунктидаги ички йўлларда жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хўрматли мажлис қатнашчилари!

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити яратилганини Тошкент вилояти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда вилоятда 20 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Агарки мамлакатимизда кичик бизнес соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,6 фоизни, sanoatдаги улуши эса 22,2 фоизни ташкил этаётган бўлса, бу кўрсаткичлар Тошкент вилоятида тегишли равишда 56,7 фоиз ҳамда 21,9 фоизни ташкил этмоқда. Айни вақтда мазкур соҳада бир қатор муаммолар борлигини ҳам айтмасдан ўтолмаймиш. Хусусан, 2012 йил якунларига кўра, Бўка, Зангиота, Уртачирчиқ туманларида янгитдан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони камайишига йўл қўйилган.

Адлия органлари томонидан 2011-2012 йилларда ўтказилган ўрганишлар давомида тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида 224 та қонун бузилиш ҳолати аниқланган.

Тадбиркорлар баъзан ўз бизнесини ташкил этиш учун ер олиш, кадастр органларида ҳужжатларни расмийлаштириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун табиий газ, сув ва электр энергияси билан барқарор таъминлашда қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, муҳандислик тармоқларига улашиш бўйича 253 та мурожаатдан 214 таси ҳал этилмагани ҳам шуни кўрсатади.

**Энг ёмони, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига доноқсоний аралашувлари давом этмоқда. 2012 йилда адлия органлари томонидан 46 та ана шундай ҳолат аниқланган.**

Шу муносабат билан илгари ҳам айтган бир фикрни яна бир марта таъкидламоқчиман. Тадбиркорлик фаолияти йўлига тўсиқ қўйиш, унга қарши чиқиш — бу давлат сиёсати, Президент сиёсати қарши чиқиш, деб баҳолашни керак. Буни қайси лавозимда ўтирганидан қатъи назар, барча мансабдор ва масъул раҳбарлар қулоғига қўйиб олиши шарт.

Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳам муаммолар кўзга ташланмоқда. Масалан, айрим маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан етарлича эътибор берилмаслиги оқибатида алоқа, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилмапти.

Вилоятда кўплаб дам олиш масканлари фаолият кўрсатаёт-

ганига қарамасдан, жами хизматлар ҳажмида туризм хизматларининг салмоғи атиги 0,5 фоиздан ошмаётгани албатта ҳеч кимни қониқтирмайди. Айнан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси одамларимизни иш билан таъминлаш ва шунинг ҳисобидан аҳолимиз даромадларини ошириш, унинг ҳаёт даражасини яхшилашда ҳал қилувчи омил бўлиб келаётганини унутмаслигимиз зарур.

Охириги йилларда Тошкент вилоятида аҳоли даромадлари ошиб бораётганини қуйидаги рақамлар тасдиқлаб бермоқда. **Айниқса, 2000 йилга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9,6 баробар ўсгани, ўртача иш ҳақи 14 баробар, пенсия ва нафақалар 12,5 баробар ошгани мисолида бунинг амалий ифодасини кўриш қийин эмас, деб ўйлайман.**

**Бунинг яна бир яққол тасдиғини кейинги ўн йилда вилоятда энгил автомобилга эга бўлган оилалар 15 фоиздан 37 фоизга, телевизорга эга хонадонлар 80 фоиздан 143 фоизга, холодильникка эга оилалар 50 фоиздан 93 фоизга, кир ювиш машинаси бўлган оилалар 32 фоиздан 72 фоизга кўпайганида кузатиш мумкин.**

Биз учун устувор мақсад бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласини оладиган бўлсак, вилоятда кейинги тўрт йилда 204 та умумтаълим мактаби, 19 та мусиқа ва санъат мактаби, 38 та касб-хунар коллежи ва 6 та академик лицей замонавий асосда қурилгани ва тубдан реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.

Ана шу даврда соғлиқни сақлаш соҳасида 1 минг 190 ўринга эга бўлган тиббиёт муассасалари ҳамда бир сменада 1 минг 335 нафар беморга хизмат кўрсатадиган поликлиникалар қурилгани ва реконструкция қилинганини қайд этиш зарур. Фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги тиббий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан 16 миллиард 600 миллион сўм йўналтирилганининг ўзи бу борадаги ишларимизнинг миқёси ва кўламини кўрсатади. Шулар қаторида кейинги вақтда вилоятда 31 та спорт объекти ишга туширилди ва реконструкция қилинди.

Ана шундай қулайликлардан баҳраманд бўлиб ўсаётган бугунги ёшлар ҳамма нарсани тушунади. Улар ҳозирги ахборот воситалари, айниқса Интернет орқали кўп нарсдан хабардор бўлмоқда. Интернет тармоғини қандайдир темир девор билан тўсиб, тақиқлаш — бу мутлақо ақлга сиғмайдиган иш. Мана, жаҳоннинг айрим минтақаларида, араб дунёсида турли нотинчлик ва қарама-қаршилиқлар юз бермоқда. Бу ҳолатнинг сабаблари кўп, лекин уларнинг ақсарияти ёшларга, уларнинг ҳаётини манфаатларини ҳал қилишга етарли эътибор бермаслик натижасида содир бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун вазифада ўтирган раҳбарлар ёшларнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, уларга кенг йўл очиб бериш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бўйи-

ча олиб бораётган ишларимизни давр талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, янги босқичга кўтариш зарурлигини ҳеч қачон эсимдан чиқармаслиги керак.

Шу нуқтага назардан қараганда, Тошкент вилоятида ёш авлод тарбиясига беvosита боғлиқ бўлган соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган ҳар томонлама таъсирчан ютуқ ва марралар сўзсиз барчамизни қувонтиради, қалбимизга ғурур ва ифтихор етказди, албатта.

Айни шу борада яна ва яна бир бор эътиборингизни бундай кўрсаткичлар негизда этган ўта муҳим мезонларга қаратмоқчиман.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 2 миллион 700 минг киши, жумладан, 1 миллион 600 мингга яқин меҳнатга яроқли одам истиқомат қилмоқда. Шу сабабли **ҳар қайси оиладаги фаровонлик, одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати, жамиятимизнинг ижтимоий барқарорлиги аввало аҳолининг иш билан қандай таъминланганига, уларнинг иши қандай ташкил этилганига, ўз меҳнатига муносиб даромад топишига чамбарчас боғлиқ, десам, ўйлайманки, барчангиз шу фикрга қўшилсиз.**

Масалага шу кўз билан қарайдиган бўлсак, вилоятда ўтган йили бандлик дастури доирасида 87 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган бўлса ҳам, ишга жойлаштиришга муҳтож кишилар сони 45 минг 400 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич Бекобод ва Бўка туманларида, Бекобод шаҳрида айниқса юқори ҳисобланади.

Шунингдек, вилоятдаги касб-хунар коллежларини битириб чиқаётган ёшларни ўз эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш борасида жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Масалан, 2012 йилда Оққўрғон, Чиноз, Юқоричирчиқ туманларида бу кўрсаткич республикадаги энг паст даражани ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор огоҳлантириб айтмоқчиман: маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларининг фаолиятига одамларни, биринчи навбатда, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи уларнинг ҳудудида қандай ҳал қилинаётганига қараб баҳо берилади.

Яна бир муҳим масала — аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида тўхталадиган бўлсак, кейинги тўрт йилда вилоятда сув таъминоти ва канализация хизматларини яхшилашга марказлаштирилган манбалардан 9 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилганини айтиш лозим. Шу асосда 520 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 490 километрдан ортиқ сув тармоқлари ишга туширилди. Бироқ, водопровод тармоқларининг каттагина қисми эскиргани туфайли сув таъминотида узилишларга йўл қўйилмоқда, истеъмолчилар томонидан тўланмаган қарзлар ҳажми ортиб бормоқда. Бўка, Уртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Паркент туманларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси қониқарсиз бўлиб қолмоқда.

(Давоми 4-бетда)



# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

(Давоми, боши 1-, 2-,  
3-бетларда)

Шу муносабат билан вилоятда кўшимча водопровод тармоқларини қуриш, жумладан, Чимён-Чирчиқ дам олиш ва хордиқ чиқариш ҳудудида тозалаш иншоотлари қувватларини кенгайтириш керак. Шу ўринда вилоятда жойлашган шаҳарлардаги кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш ишлари етарли даражада эмаслигини афсус билан айтишга тўғри келади. Кўпгина уйларнинг муҳандислик ускуналари ва иссиқлик тармоқлари капитал ва жорий таъмирлашга муҳтож.

Коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоблар интизомининг пастлиги сабабли Чирчиқ шаҳри, Окқўрғон, Бўстонлик туманларида мuddати ўтган дебиторлик қарзлар сақланиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир этмоқда.

Балки кимдир, Президент шундай майда камчиликларни айтиб ўтирадим, деб ўйлаши ҳам мумкин. Мен сизларга дўст сифатида айтмоқчиманки, менинг ишимда, ҳар қайси раҳбарнинг фаолиятида иккинчи даражали ёки майда масаланинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Нега деганда, инсон манфаати ҳақида гап кетганда, ҳеч қачон майда масаланинг ўзи бўлмайди.

Ўзингиз ўйланг, жойларда ичимлик суви етишмаса, кўпқаватли уйларда табиий газ, иссиқлик етказишда узилтишлар бўлса, одамлар, айниқса, ёш болали оилалар тепада — раҳбарлик лавозимида ўтирганларга нисбатан қандай фикр билдириши мумкин?

Бу ҳаётдан ҳаммамиз ҳам ўтиб кетамиз, ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас. Шунинг учун ҳам мен доимо ўзимга, сендан эртага нима қолади, деб савол берман. Ҳар бир одам бу саволни ўзига қайта-қайта берса, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, деган қоида билан яшаса, ўйламанки, Яратган ҳам, инсонлар ҳам ундан рози бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган дастурга мувофиқ, 2009-2012 йилларда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу мақсад учун жами 228 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бироқ, таассуфки, биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган бу масалага панжа орасидан қараш туфайли айрим туманларда уй-жойларни мuddатидан кечиктириб ва сифатсиз топшириш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Жумладан, 2011-2012 йилларда бу борада йўл қўйилган жиддий камчилик ва қонун бузилишлари учун Чиноз тумани ҳокими А.Тешабоев, Охангарон тумани ҳокими Б.Солибобоев ўз вазифасидан озод этилгани, Қуйичирчиқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Отажонов ва Уртачирчиқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шомансуров жиноий жавобгарликка

тортилгани, Бўстонлик, Юқори-Чирчиқ, Қибрай, Янгийўл, Урта-Чирчиқ туманларининг ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларига ҳайфсан эълон қилингани ҳам буни тасдиқлайди. Лекин гап фақат кимгадир жазо беришда эмас, балки вазиятни ҳолисона ва танқидий баҳолаб, зарур хулоса ва сабоқ чиқариб олишда.

Жорий йилда вилоятдаги 39 та массивда 1 минг 50 та уй-жой қуриш учун 147 миллиард сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан 16,5 фоиз кўп маблағ жалб этиш назарда тутилмоқда. Бу эса шу йўналишда кўшимча ишчи кучи, моддий ва техник ресурсларни сафарбар қилишни, ишни оқилона ва самарали ташкил этишни тақозо этади.

Ҳокимлар бу масалани бирикми йиллик иш деб билмаслиги, аксинча, узок мuddатли муҳим ижтимоий дастур деб қабул қилиши лозим. Нега деганда, бу борадаги ишлар қишлоқда яшашга одамларнинг шароити шаҳардагидан кам бўлмаслиги керак, деган эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бугунги кунда аҳолининг даромади ортиб борапти. Лекин баъзи одамлар уй қуриш ўрнига машина олишга шошилишти. Менга қолса, машина ҳам, уй ҳам керак, лекин, барака топкурлар, аввал уй қуришлар, кейин машина олинглар. Яхши, замонавий уй қурган одамларнинг болалари эртага ота-онасига раҳмат айтади. Энг муҳими, бундай шинам уйларда туғилиб вояга етган болаларнинг соғлиги, фикри, дунёқарashi ҳам бошқача бўлади.

Мен яхши эслаймман, 1986 йили Қашқадарёда ишлаган пайтимда Шаҳрисабзда янги уйлар қуриш тажрибасини бошлаган эдик. Ушанда уйларнинг ташқи деворини пишиқ гиштдан, ички деворини эса хом гиштдан қуришга мажбур бўлганмиз. Чунки пишиқ гишт ҳам, гишт заводлари ҳам бугунгидек кўп эмас эди. Бугун эса, мана, кўрпиз, ҳар томонлама қулай шарт-шароитларга эга бўлган уй-жойларни қуриш учун барча шароитлар етарли.

Шу ўринда долзарб бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим. Маҳаллий пудрат ишлари бозорини ривожлантириш борасида берилган имтиёзларга қарамадан, **вилоятда бу борадаги ишларни такомиллаштириш, зарур қурилиш асбоб-анжомлари билан таъминланган, малакали қурувчиларга эга бўлган замонавий шакллантириш, уларга керакли моддий база яратиш учун тегишли ёрдам бериш масалалари вилоят ҳокимияти эътиборидан мутлақо четда қолганини таъкидлашимиз лозим.**

Давлат бюджетидан катта ҳажмдаги молиявий ресурслар ажратилаётганига қарамадан, вилоят раҳбарияти ва мутасадди шахсларнинг бу масалага совуққонлик билан қарashi натижасида муҳим иншоотларни ўз вақтида ва сифатли ишга тушириш режалари барбод қилинмоқда. Мисол учун, 2009-2012 йиллар мобайнида марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан ижтимоий

объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 163 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлиб, уларни ўзлаштириш 156 миллиард 500 миллион сўмни ёки умумий кўрсаткичга нисбатан 95,8 фоизни ташкил этган.

Тошкент вилоятининг бугунги ривожланиш суръатлари, бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар, уларни ҳал этиш ҳолати шуни тасдиқлайдики, бу ўта муҳим йўналиш бўйича ишлар қонуқарли даражада эмас. Бундай вазиятни кескин ўзгартириш, керакли хулосалар чиқариш зарурати кўриниб турибди. Маржуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш учун мамлакатимиз ҳукумати, вазирлик ва идораларнинг бевосита кўмагида керакли чора ва тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Ҳурматли депутатлар!

Энди бугунги сессия кун тартибидаги ташкилий масалани кўриб чиқишга ўтсак.

Ҳаммамизга маълум, бундан тўрт йил олдин, яъни 2008 йилнинг декабрь ойида биз сизлар билан бирга Рустам Холматовга катта ишонч билдириб, уни Тошкент вилоятининг ҳокими лавозимига тасдиқлаган эдик.

Албатта, улкан салоҳиятга эга бўлган, мамлакатимизда етакчи ўрин тутадиган Тошкент вилоятини бошқариш, раҳбарлик қилиш, унинг кўп тармоқли иқтисодийетини барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш — бундай вазифаларни уddалаш оғир ва ўта масъулиятли ишдир.

Эътироф этиш керакки, Р.Холматовнинг иш фаолияти давомида дастлаб вилоят тараққиёти йўлида, кўпгина муаммоларни ечишда амалий ҳаракат ва ижобий ишлар кузатилди. Лекин, охириги йилларда унинг ишга муносабати ўзгарди, ўзига нисбатан талабчанликни бўшаштириб, хотиржамлик, ўзибўларчилик кайфиятига берилиб, вилоят раҳбари ва етакчиси сифатида масъулиятни йўқотишга йўл қўйди. У ўзига нисбатан билдирилган кўпгина оғоҳлантириш ва танқидий гаплардан хулоса чиқармади, аҳволни ижобий томонга ўзгартириш ҳақидаги ваъдалари қуруқ гап бўлиб қолаверди. Ўз қўлида ишлайдиган кўпгина муовин ва мутахассисларнинг, фаолларнинг бошини қовуштириш, уларга бир кўз билан қараш, уларни бирлаштириш ўрнига, қўл остидагиларга юқоридан қараш, менсимаслик, қўпол муносабатда бўлишни ўзига маъқул топди.

Албатта, одамлар ҳар хил бўлади, уларнинг юриш-туриши, феъл-атвори ҳам бир-биридан фарқ қилади. Лекин раҳбар бўлиб масъулиятни ўз зиммасига олган одам, ёқадими-йўқми, ҳар қайси ходимга аввало ишнинг манфаатини кўзлаб, тўғри баҳо бериши керак.

Вилоят ҳокимининг ана шундай мезонлар асосида ўзидан олдин ишлаган раҳбарларнинг хатоларидан хулоса чиқариб олмагани умумий ишга зиён етказгани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Биз одатда бирон-бир раҳбарнинг оддий одамлар ораси-

дан чиққанига эътибор берамиз, лекин, афсуски, нафс балоси уни бузади, натижада боши айланиб, оёғи ердан узилди. Асосан хушомадгўй одамлар, раҳбарлар соясида юриб бирор нарса орттиришни ўйлайдиган кимсалар бунга сабаб бўлади. Менга қолса, раҳбарга эмас, уни бузадиган ана шундай одамларга жазо берган бўлардим.

Муҳтарам қилиб айтганда, мамлакатимиздаги марказий бир ҳудудни бошқариш, одамлар билан тил топишиб, уларнинг ишончини қозониб, обрў орттириш, улкан мақсадлар сари сафарбар этиш учун Р.Холматовга кенг миқёсда фикрлаш, узоқни кўриш, улкан салоҳиятли вилоятни бошқариш хусусиятлари — қурби етишмади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат охир-оқибатда унга билдирилган ишонччи йўқотишга олиб келди.

Йўл қўйилган хато ва камчиликларга тан бериб, иқдор бўлиб, Р.Холматов эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Мажлис раисидан ушбу масалани овозга қўйишни сўрайман.

Муҳтарам дўстлар!

Тошкент вилоятидек катта вилоятга янги раҳбарни танлаш ва тайинлаш — ўта мураккаб ва масъулиятли иш. Ўйламанки, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари, барчангиз буни яхши англаб, тушуниб турибсиз.

Албатта, ҳар бир номзодни тавсия қилаётганда, биз фаоллар, депутатлар билан кўп маслаҳатлашамиз, унинг таржимаи ҳоли, дунёқарashi, аввалги иш фаолияти, инсоний хусусиятлари, феъл-атвори, ҳар хил қинғир-қийшиқ ишлардан узоқ бўлганини биринчи навбатда эътиборга оламиз. Бундай номзодларга қўйиладиган энг асосий талаблар қаторида аввало ўзини раҳбар, етакчи деб ҳисоблайдиган шахс бугунги шиддат билан ўзгараётган, тараққий топаётган замон талабларига жавоб бериши, эртанги кунимизнинг энг долзарб, энг устувор йўналишларини ўзига яққол тасаввур қилган ҳолда, унга ишонч билдирган эл-юрт олдида унинг зиммасига оқланган вазифаларни амалга оширишда ўз масъулиятини чуқур сезиши, ҳис қилиши шарт.

Энг муҳими, раҳбар халқгами ва ташвиши, умиди ва интилишлари билан яшаши, одамларни бир-биридан ажратмасдан — биттасига иссиқроқ, бошқасига эса совуқроқ қарамасдан, ошна-оғайнигарчиликка берилмасдан, оёғи ердан узилмасдан, адолат, талабчанлик ва қатъият билан иш олиб бориши, бундай қараш, бундай муносабат унинг бурчига, ҳаётий мақсадига айланиши даркор.

Катта салоҳиятга эга бўлган Тошкент вилоятини бошқариш учун юқори савия, билим ва тажрибага эга бўлган етакчи керак. Ҳаёт синовларида тобланган, улкан режа ва дастурларни амалга оширишга, юртни обод, элнинг турмушини янада фаровон қилишга қурбикучи етадиган раҳбар керак.

Вилоят депутатлари ва фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашганда, айна шундай юксак талабларга жавоб берадиган вилоят раҳбари кераклиги ҳақида сўз юритилди. Шундай фикр-мулоҳазалар натижасида бугунги кунда Андижон вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Усмонов номзодини Тошкент вилояти ҳокими вазифасига тавсия этишга қарор қилдик.

Аҳмад Усмоновнинг таржимаи ҳоли ҳақида гапирадиган бўлсак, у 1957 йилда Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилиб, Самарқанд давлат университетини 1981 йилда ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича битирган.

Кўп йиллар Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятларида масъулиятли вазифаларда ишлаган. Ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Охириги етти йил мобайнида Андижон вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келмоқда.

Ҳаммамизга маълум бўлиши керак: охириги йиллар давомида вилоятнинг қайси соҳасини олмайлик — бу қишлоқ ҳўжалиги бўладими, саноат бўладими, ижтимоий соҳалар бўладими, Андижон вилоятининг Усмонов раҳбарлигида ўсиш, тараққий топиш суръатлари, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб ва очилиб бораётгани кўпчиликнинг ҳавасини тортиб келмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

А.Усмоновни Тошкент вилояти ҳокими вазифасига тавсия этар эканмиз, аввало унинг одамлар кўнглига йўл топиб ишлаш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, аҳолини рози қилиш ва ишончини қозониш, Тошкент вилояти халқига сидқидилдан хизмат қилишда ўзининг бой ҳаётий ва раҳбарлик тажрибасини ишга солади ва вилоят олдида турган вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатади, деб ишонамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Такрор-такрор айтишни истардим, Тошкент вилояти — ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий обрў-эътибори билан том маънода юртимизда бошқаларга ўрнак бўлиб келган вилоятдир.

Шунинг учун бугун сиз, азизларга, вилоятнинг барча фаоллари ва фидоийларига, кўпмиллатли воҳа аҳлига қарата айтмоқчиман: Тошкент вилояти ҳеч қачон орқада юришни ўзига маъқул топмаган ва мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг нуфузини ошириш йўлида ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатиш, намоеън этиш учун куч-қудрати етарли, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Тошкент вилоятининг кўпни кўрган, меҳнатсевар ва бағрикенг халқи бугун мажлисимизда тасдиқлаб олган янги раҳбар атрофида жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, мамлакатимизнинг етакчи вилоятига хос бўлган ўрнини, обрўсини қўлдан бермайди.

Барчангизга шу йўлда сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, янги-янги ютуқлар тилайман.

# Юксак ишонч ва эътибор самаралари

(Давоми, боши 1-бетда)

## УСТОЗНИНГ АРМОНИ

Ангорлик фахрий ўқитувчи Турғун ака мактабда жисмоний тарбиядан дарс берган йиллари қизлар уялиб дарсга келмаганини эсласа, бугун ичидан эзилади. Сабаби ўша пайтлардаги нотўғри қараш туфайли қанчалаб истеъдодли қизларнинг орзулари ушалмай аро йўлда қолиб кетди. Бир сафар спортга меҳр қўйган ўқувчи қизларни тумандаги мусобақага олиб борганида, уларнинг ота-оналари уни қизлар тарбиясини бузаётганликда айблашганди. Турғун ака бу ёшлар келажакда моҳир спортчилар бўлиб етишиши мумкинлигини тушунтиришга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, гапига қулоқ соладиган одам топилмаганди ўшанда.

Ўша ўқувчилар — бугун ота-она. Яқинда собиқ шогирди Олия келиб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Қизи Сарвиноз айкидо бўйича Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақаларидан кумуш медал билан қайтганини, спортдаги эришган ютуқлари туфайли Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлганини айтди. Буни эшитиб, Турғун аканинг кўзларига ёш келди. Мустақил юртимизда спортга, хусусан, қизларнинг спорт билан шуғулланишига катта эътибор берилётганидан, ота-оналар бу ишларнинг моҳиятини тўғри тушуниб етаётганидан, бу эзгу ишларга раҳнамолик қилаётган Юртбошимиздан миннатдор бўлди. Ўқувчиларига берган меҳр сабаб уларнинг ўзлари бўлмаса-да, фарзандлари спортда катта муваффақиятга эришаётганини эшитиб, боши осмонга етди.

... Сарвиноз болаликдан спортга меҳр қўйди. Мактабда ўқиб юрган йилларида каратэ ва комбат айкидо билан мунтазам шуғулланди. Турли мусобақаларда 24 олтин, 10 кумуш ва 11 бронза медални қўлга киритди.

— Спорт мени теран фикрлашга, билим ва иқтидоримни ўстириш учун тинмай ҳаракат қилишга ўргатди, — дейди Сарвиноз Шайдуллаева. — Халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиш учун инглиз тилини пухта ўргандим. Бундан фойдаланиб, бошқа давлатлардан келган спортчиларга Ўзбекистонимиз тўғрисида, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, улар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўзлаб бераман. Орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришимиз, ўз истеъдод ва қобилиятимизни намоён этишимиз учун барча шароитни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Дарҳақиқат, Сурхондарё вилоятида 2003-2010 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 91 иншоот

қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 86 таси қишлоқ жойларда бунёд этилиб, зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди. 2012 йилда вилоятдаги 76 болалар спортиншоотининг эскирган спорт анжомлари ва ускуналари янгиланиб, замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Спортнинг ҳар бир тури ижодий ва интеллектуал маҳорат талаб қилади. Ҳар бир мамлакат, ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий спорт ўйинлари бор. Бугун оммавий ҳисобланган кўплаб спорт турларининг қадимий илдизлари ҳам турли халқларнинг урф-одатлари, анъаналарига бориб тақалади. Халқимизнинг миллий қадриятларидан бўлган кураш ҳам уч ярим минг йиллик тарихга эга ва бугун жаҳонда жадал ривожланаётган спорт турларидан биридир. Азалдан кураш эр йигитларга хос спорт тури ҳисобланиб келган бўлса-да, бугун юртимизда аёллар спортга берилаётган эътибор туфайли кураш ва дзюдо, самбо каби спорт турлари бўйича ҳам кўплаб маҳоратли қизлар етишиб чиқмоқда.

— Мустақиллик йилларида одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгарди, — дейди Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Гувалак болалар спортини мажмуаси директори Ўктам Султонов. — Бир пайтлар кураш, кейинроқ бадий гимнастика бўйича қизлар тўғарақларини ташкил қилганимизда, кўпчилик ота-оналарга бу эриш туюлганди. Бугун қишлоғимизда спорт кириб бормаган хонадоннинг ўзи йўқ. Мажмуамизга спорт билан шуғулланиш учун Касби, Чирокчи, Шаҳрисабз, Яқкабоғ, Қамаши, Қарши туманларидан ҳам ўғил-қизлар келмоқда.

Мазкур спорт мажмуаси шга тушган 2005 йили бор-йўғи 19 нафар ёш кураш ва футбол йўналишларида қатнашган бўлса, бугун бу ерда 832 нафар ёш, жумладан, 637 нафар қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Ёшлар спортининг етти тури — кураш, бадий гимнастика, ўзбек жанг санъати, қўл тўпи, баскетбол, дзюдо, самбо сирларини ўрганаёттир. Курашчи, самбочи ва дзюдочи қизлар эришаётган муваффақиятлар йигитларникидан асло кам эмас. Улардан Динора Донаева, Дилафрўз Абдурахимова, Дилфуза Темирова, Шоҳида Назарова мамлакат ва қитъа чемпионлигини қўлга киритган.

Ўғилой Нуралиева ёшлигидан миллий кураш билан шуғулланади. У спорт мажмуасига келганидан кейин курашнинг турдош турлари билан ҳам жиддий шуғуллана бошлади. Тинимсиз меҳнати, мусобақаларга кўрган пухта тайёргарлиги ўз самарасини бериб, кураш ва самбо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, беш маротаба Ўзбекистон

чемпиони бўлди. 2011 йил январидан Грецияда ўтган кураш бўйича Ислом Каримов номидаги турнирда олтин медални қўлга киритди.

Миллий курашда азалдан ор-номус ва ғурур учун даврага чиқилади. Даврада мағлуб бўлган полвоннинг орини олиш учун унинг яқини голиб полвонни қайта даврага чорлаши мумкин. Ҳеч бир спорт турида кузатилмайдиган бу ҳолат миллатимизнинг жипслиги ва ҳамжихатлигини англатади. Эҳтимол, бугун кураш билан шуғулланаётган барча йигит-қизлар чемпион бўлиб ном қозонмас. Бироқ уларнинг ёшлигидан спорт билан ошно бўлаётгани, жисмонан чиниқиб, маънан юксалиб, ўз фикрига эга иродали инсон бўлиб камол топаётгани муҳим.

## МЕНИНГ ҚИЗИМ ФУТБОЛЧИ

Истиклол йилларида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Жумладан, профессионал футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир маҳоратли футболчиларни тайёрлаш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2011 йил 19 январда имзоланган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари шулар жумласидандир. Мазкур қарорларга кўра болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машғулот жараёнларини янада такомиллаштириш, футболчилар, мураббийлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорати ва малакасини ошириш, янги стадионлар қуриш, мавжудларини замонавий талаблар даражасида таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, футболнинг хотин-қизлар ўртасида кенг оммалашшида аёллар футбол жамоаларининг муносиб ҳиссаси бор. Бу борада етакчи жамоалардан бири бўлган «Андижанка» клубида, умуман, Андижон вилоятида аёллар футболни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилаёттир.

«Андижанка» мамлакатимиздаги энг тажрибали жамоалардан биридир. Жамоа халқаро майдонда кўплаб юқори натижаларга эришган. Хусусан, футбол бўйича Марказий Осиё аёллар чемпионатида

тўрт карра, Ўзбекистон чемпионатида саккиз маротаба голибликка эришган, мамлакат кубогини қўлга киритган. Бугунги кунда жамоанинг 5 нафар футболчиси Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси, яна беш нафари ёшлар терма жамоаси аъзосидир.

Клубда иқтидорли қизларни излаб топиш, улардан ёш, маҳоратли футболчиларни тайёрлаш изчил йўлга қўйилган. Клуб ҳамда вилоят футбол федерацияси ташаббуси билан сўнгги икки йил ичида Андижон олимпия захиралари спорт коллежининг футбол бўлимида, шунингдек, Хўжаобод, Шаҳрихон туманлари болалар ва ўсмирлар футбол мактабларида қизлар гуруҳлари ташкил этилди.

Айни пайтда ушбу гуруҳларда 150 нафардан зиёд қизлар футбол билан мунтазам шуғулланмоқда.

— Мактабимизда 76 нафар қиз футбол сирларини ўрганмоқда, — дейди Хўжаобод тумани болалар ва ўсмирлар футбол мактаби директори Сойибжон Назиров. — Қизларимизнинг пухта билим олиб, ўз маҳоратларини ошириши учун барча шароитни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Футбол майдонларимиз замонавий талабларга жавоб беради, машғулотлар ўтказиш учун махсус макетлар, тренажёрлар мавжуд. Яратилган шароитлар туфайли гуруҳларда назарий ва амалий машғулотлар юқори савияда олиб борилмоқда.

Маҳоратли футболчи қизларни тайёрлаш, аввало, мураббий ва мутахассисларнинг тажрибаси ҳамда профессионал савиясига боғлиқ. Айниқса, қизлар гуруҳларига футбол мураббияларининг жалб этилиши яхши самара бермоқда. Мактабда мураббиялар бошчилик қилаётган учта футболчи қизлар гуруҳининг эришаётган ютуқлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

— Футболга қизиқувчи қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораёттир, — дейди мураббия Елена Лагуткина. — Мақсадимиз ана шу қизларни етуқ футболчилар қилиб тарбиялаш, қолаверса, футболни оммалаштириш орқали хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашдир. Ўтган йили мактабда Мустаҳкам оила йилига бағишлаб 1996-1998 йилларда туғилган қизлар жамоалари ўртасида вилоят очик чемпионати ўтказилди. Унда Улугнор, Пахтаобод, Бўз, Жалакудук, Шаҳрихон, Асака ва Хўжаобод туманларидан 12 жамоа иштирок этди. Мазкур мусобақа ёш футболчи қизларга ўз маҳоратларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратди.

2012 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда аёллар футболни ривожлантиришга бағишланган йиғилишида Ўзбекистон олий

лигасида иштирок этаётган 14 профессионал футбол клублари қошида аёллар футбол жамоаларини тузиш масаласи атрофича муҳокама этилди. Бу борадаги ишлар марказ ва жойларда изчиллик билан олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда аёллар футболни ривожидан Қаршининг «Севинч» жамоаси алоҳида ўринга эга. Ушбу жамоа қизлари 2003 йилдан бери бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Саккиз карра Ўзбекистон чемпиони, етти карра мамлакат кубоги эгаси бўлди.

— Ҳозирги кунда спортнинг барча турларида қизларнинг фаол иштирокини кузатишимиз мумкин, — дейди «Севинч» аёллар футбол клуби мураббийи Владислав Хан. — Бугун нафақат ўғил болалар, балки энг олис ва чекка қишлоқларда ҳам қизлар бир қатор спорт турлари, жумладан, футбол билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг ютуқлари таҳсинга сазовор. Истиклол шарофати билан ёшларимиз ҳар томонлама қулай бўлган замонавий стадионларда машғулотлар олиб бормоқда. Шогирдларим халқаро мусобақаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтариб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганидан фахрланаман.

Юртимиздаги профессионал футбол клублари қошида аёллар футбол клублари ташкил этилаётгани спортнинг барча турлари қатори аёллар футболининг ҳам жадал ривожланишида муҳим омил бўлаёттир.

— Қизим Зебонинг бу қароридан аввалига ўзим ҳам ҳайратга тушгандим, — дейди «Севинч» аёллар футбол клуби аъзоси Зебо Жўраеванинг отаси Халил Жўраев. — Бир пайтлар ўзим ҳам футболчи бўлишни орзу қилганман. Шунинг учун ҳам қизимнинг футбол билан шуғулланишига монелик қилмадим. Илгари футболни қўйиб турайлик, қизингиз спортнинг бирор бир тури билан шуғулланса, одамлар бошқача қарарди. Энди эса ҳар бир ота-она қизларини спорт тўғарақларига ўзлари олиб келмоқда. Қизларимизнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қаддиқомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда.

Футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоалари мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келаётгани, 16 ёшгача бўлган ўсмир қизлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш турниридан муваффақиятли ўтгани эътиборга молик.

Табиийки, буларнинг барчасида Ўзбекистонимизда болалар спортини ривожлантириш, фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом этиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси**



# Дунёни олиши мумкин жилмайиб...

Аёл — оилада, мактабда, жамиятда тарбиячи. У табиатан ҳимояга муҳтож бўлса-да, ўз яқинларини доим маънан қўллаб туради, зарур пайтда уларга суянч ва юпанч бўла олади. У борлиги учун ҳам ҳаёт гўзал. Шу нозик хилқатни — ёнгинангиздаги, кўнгли тўлиб, еру кўкка сифмай қолса-да, жилмайиб турадиган аёлни кўрганингизда улар шаънига айтилган гаплар нечоғли ҳақиқат эканига иқдор бўласиз.

Баҳорнинг фараҳбахш кунлари — Наврўз арафаси эди. Юртимиз истиқболи учун жон куйдираётган, мустақиллик берган кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётган фидойи аёллар ҳаёти билан танишиб юргандик. Ўша кезде биз излаётган фидокор, ёш авлодга жонкуяр, намунали аёлни тавсия этишди. Мана, у ҳақда қисқача маълумот: Шарофат Обидова, кўп йиллар ёш авлодга таълим-тарбия берган. Айна пайтда Фиждудон туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Баҳор эмасми, кўёшнинг ёқимли тафти, юзларни силаб ўтувчи шабадаси бор. Гуллаб-яшнаётган ниҳоллар, эътиборни тортадиган гўзал манзара. Қахрамонимизни бироз кутишга тўғри келди. Ниҳоят, иссиқдан юзлари бўғриққан Шарофат опа кириб келди.

— Куттириб қўйганим учун узр, — дейди опа маъсум жилмайиб. — Худудда эдим. Ниҳолларни ўз вақтида ўтказмасак, куриб қолади.

— Боғбонларга ёрдамлашибсиз-да? — сўраймиз.

— Ниҳол ўтқазилгани яхши кўраман. Боғбонлар экандан

сўнг ўзим бир қараб чиқмасам, кўнглим тинчимайди, — дейди опа.

Ўзбек аёли. Бир қараганда кўнглидан кечадиган фикр — истараси иссиқ, самимий, раҳбарлик салобати бор, жиддийлиги суҳбат давомида сезилади.

Шарофат опа билан анча суҳбатлашдик.

Ёшлар тарбияси, маънавияти, камолоти, қисқаси, юрт истиқболи хусусидаги суҳбатимиз қизиқ, вақт ўтганини пайқамай ҳам қолибмиз.

Шарофат Обидова раҳбар бўлишни хаёлига ҳам келтирмаганиди. У ҳаётини болаларсиз тасаввур қилолмасди. Мактабни битиргач, Бухоро давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олди. Фаолиятини Фиждудондаги таълим муассасаларидан бирида ўқитувчиликдан бошлади, кейинчалик ўзи ўқиган мактабда

ўқитувчи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ва ўн йил давомида мактаб директори вазифасида хизмат қилди.

— Болалар, ўқитувчилар билан ишлаш шарафли. Мактабда ишлаган даврларимни соғинаман. Навойихонлик, бобурхонлик тадбирларида ўқувчилардан ҳеч бўлмаса, биттадан ғазал ёд олишни қаттиқ талаб қилардим. Ёдламаганларни ярим ҳазил-ярим чин қилиб, уришардим. Албатта, бу танбеҳим яхши натижа берарди, — дейди Шарофат опа.

Бир пайтлар ўқувчиларини яхши маънода тергаб, танбеҳ берган Шарофат Обидова эндиликда туман аҳлининг қувончу ташвишларига шерик. Оилада ардоқли бека, севимли она. Уч фарзандни камолга етказиб, юртимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялади. Ўғли Мақсуджон Тош-

кент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети талабаси, яна бир ўғли техникага қизиқади, кенжаси — қизи педагог, бадиий адабиётни онаси каби севади.

— Фарзандларим ният қилганимдек, тарбияли, маънавиятли йигит-қизлар бўлиб вояга етди. Бироқ улар тарбиясига кўпроқ вақт ажратолмаганимдан хижил бўламан, — дейди опа ўйлаиб. — Энди невараларимнинг тарбияси билан жиддий шуғулланмоқчиман. Улар — мустақиллик фарзандлари. Набираларимга чет тилларни, компьютерни ўргатмоқчиман.

Мустақиллик — улугъ неъмат. У шундай меҳнатқаш, жонкуяр, фидойи замондошларимиз фаолиятида, намунали ҳаётида бўй-бастини кўрсатади.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Taraqqiyot

Бугун йўналишли автотранспортнинг ҳаракатланиш вақтини, унинг қанча тезликда кетаётганини, ҳатто белгиланган йўналишдан четга чиқиб кетиш ҳолатларини GPS хизмати ёрдамида кузатиш мумкин. Айна пайтда ушбу тизим шаҳарлараро йўналишдаги 148 та автобусга ўрнатилган бўлиб, яна 150 та GPS ускунасини келтириш чоралари кўрилмоқда.

## GPS хизмати 148 та автобусда

Бу каби янгиликлар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

— Айна кунда агентликдаги барча компьютерлар локал ва корпоратив тармоққа, лимитсиз интернет тармоғига уланган, — дейди агентлик матбуот хизмати раҳбари Норбек Тошнӣёзов. — Шунингдек, худудий бўлимлар ва тармоқ ташкилотлари ўртасидаги расмий ҳужжатларни юритиш учун «Евфрат» электрон ҳужжатлар айланиш тизими жорий этилган, барча топшириқлар ва расмий ҳужжатлар ушбу тизим орқали юритилади ва назорат қилинади. Бошқа идоралар билан эса Е-хат ҳимояланган почтаси орқали ишлаш йўлга қўйилди. Ўтган йилнинг ўзида турли идораларга икки минг варақча яқин хат шу тизим орқали юборилган.

Агентлик ўз расмий сайти орқали фуқароларнинг электрон мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини биринчилардан бўлиб йўлга қўйган. 2013 йилнинг ўтган даврида сайт орқали 31 та мурожаатга ўз вақтида жавоб қайтарилди. Айна кунда интерактив хизматлар сонини янада кўпайтириш ва сифатни яхшилаш мақсадида «ЎЗИнфоКом» маркази билан ҳамкорликда сайтнинг янги, имкониятлари анча кенгайган версияси яратилиб, autotrans.uz доменида синов учун ишга туширилган.

Агентлик томонидан uForum.uz форумида ҳукумат талаблари доирасида махсус бўлим очилган. Фуқаролар ушбу форумда соҳага доир муаммолар юзасидан фикрлашиш имкониятига эга.

— Бундай тизимларни ишлатиш жараёнида ахборот хавфсизлиги талабларини ҳам бажариш зарур, — таъкидлайди Норбек Тошнӣёзов. — Бу борада замонавий имкониятлардан фойдаланган ҳолда малакали мутахассислар ёрдамида иш олиб бордик. Натижада UzCert экспертизаси ҳулосасида агентликнинг ахборот тизимидаги ахборот хавфсизлиги ҳолати юқори баҳоланди.

Анжуманда агентлик томонидан автотранспорт соҳасига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, жумладан, республика автовокзалларидаги ҳолатни кузатув камералари орқали ягона диспетчерлик пунктдан туриб кузатиш имконини берувчи тизим яратиш ҳамда келгуси ишлар ҳақида маълумот берилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## Shukuh

## Фараҳбахш кунлар

Баҳор кўнгиллари эзгулик насимини элиб, борлиқни кўктам нафаси забт этган айна кунларда юртимиз бўйлаб ҳамон байрам шукуҳи кезаяпти. Халқимиз Наврўз айёмини ҳамжиҳатлик ва шукроналикда, дошқозонларда сумалак қайнатиб, кўтаринки кайфиятда кутиб олди.

Шундай байрамона тадбирлардан бири Тошкент вилоятидаги Зангиота туман кўп тармоқли поликлиникасида меҳнат фахрийлари ва тиббиёт ходимлари иштирокида ўтказилди.

Тадбир аввалида Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Равшан Саидорипов, туман кўп тармоқли поликлиникаси муdiri Ақида Азимова қадимий ва эзгулик байрами — Наврўз билан

йигиланларни муборакбод этиб, самимий тилаклар билдирди. Шундан сўнг бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурилиб, соҳада самарали меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари фаолияти эътироф этилди. Саломатлик фидойилари юртимизда соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган юксак эътибор учун миннатдорлик билдиришди.

**Хайриддин МУРОД,**  
«Turkiston» мухбири



Hademay mutaxassis bo'lishadi

## Устозлар сўзи — сабоқ

Олтириқ автомобиль йўллари касб-хунар коллежи 2009 йилда фаолият бошлаган. 615 ўринга мўлжалланган мазкур таълим муассасасида айна кунда 1285 нафар ёш етти йўналишда таълим олади. Уларга ўз касбининг устаси саналган 70 нафардан ортиқ педагоглар касб-хунар сирларини ўргатишяпти.

Коллеж педагогик жамоасининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Улар педагогик маҳоратини ошириш, билимларини мустақ-

камлаш мақсадида кўп йиллик тажрибага эга бўлган устозларга бириктириляпти. Бу борада Сойибжон Раҳмонов, Дилбархон Сулаймонова,

Марҳабо Тиллабоева ва Комилжон Сувонов каби устозлар ёш ўқитувчилар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашиб, уларнинг касбий маҳорати орттишига ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Устозларнинг кўмагига жавобан ёш, интилувчан ўқитувчилар ҳам таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш,

ўқитишнинг янги усуллари билан самарали фойдаланиш бўйича бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

**СУРАТДА:** Йўл ҳаракати қоидалари фани ўқитувчиси Абдукарим Абдурахимов ўқувчиларга чорраҳада ҳаракатланиш қоидаларини тушунтиряпти.



# Яна бир ёшлар маркази

 Xushxabar

Кейинги пайтларда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида бунёдкорлик ва ободончилик ишларига янада кўп эътибор қаратилмоқда. Сўзимизнинг исботи қилиб шаҳар кўрқига кўрк бағишлаб турган муҳташам болалар спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси, истироҳат боғи, диагностика маркази, «Бекобод-цемент»да янги линияларнинг фойдаланишга топширилганини айтиш мумкин.



Отабек МИРСОАТОВ (УзА) олган суратлар

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Сўлим Сирдарё соҳилида, болалар спорт мажмуасининг ёнгинасида барча қулайликларни ўзида мужассам этган «Ёшлар маркази» фойдаланишга топширилди.

Авалло, шуни таъкидлаш лозимки, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ўзига хос салоҳиятга эга бўлган «Ўзметкомбинат» жамоасининг ҳиссаси катта. Айнан мазкур «Ёшлар маркази»нинг бунёд этилишида ҳам комбинат қурувчиларининг жонбозлиги жуда қўл келди. Комбинатга қарашли Азиз Холматов етакчилигидаги қурилиш-монтаж тре-

сти бунёдкорлари энг шимариб, астойдил меҳнат қилишди. Бунинг натижасида аввалги кинотеатр ўрнида маҳобатли «Ёшлар маркази» биноси қад кўтарди.

Марказ худудига кириб борар экансиз, ўзингизни ажойиб, гўзал бир хиёбонда юргандек ҳис этасиз. Ранг-баранг анвойи гуллар, турли хил манзарали кўчатларнинг ўтқазилганлиги, кичик боғ, фавворалар, замонавий услубда қилинган йўлаклар кишининг баҳри дилини очади.

Марказ биносига замонавий услубда безак берилган. Зал ва фойелар ёшларни ўзига жалб этувчи жи-

хозларга эга. 308 ўринга мўлжалланган томоша зали, ўзига хос тарзда жило касб этган сахна безаклари беихтиёр эътиборингизни тортади. Ҳозирданок марказда ёшлар ва кўғирчоқ театрлари қизгин фаолият бошлаб юборди.

«Ёшлар маркази»нинг очилишига бағишланган тантанали маросимда коллеж ва мактаб ўқувчилари, ота-оналар жам бўлишди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Бекобод шаҳар ҳокими Мамасобир Бухорбоев, «Камолот» фаоли Раҳмон Раҳмонов сўзга чиқиб, «Ёшлар маркази» ҳақида ўзларининг илиқ ва сами-

мий фикрларини билдиришди. Марказ фаолиятига оқ йўл тиладилар.

Илғор пўлат қуёвчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Олим Тўйчиев ва сенатор Маҳмуд Тоир гулдурас қарсақлар остида рамзий лентани қирқишди. Тадбир қатнашчилари биринкетин бино ичкарасига кириб, томоша залидан жой эгаллашди. Шу куни бекободликлар қалбида байрамона рух, кўтаринки кайфият ҳукм сурди. Ёшлар учун концерт дастури ҳамда фильм намойиш этилди.

**Ашуралӣ БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» муҳбири



Menga so'z bering

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Ушбу пурмаъно ибора бугун халқимиз ҳаётида, турмуш тарзида ўзига хос маъно касб этмоқда. Ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза этиш уй деворларидан ошиб, жамиятимиз, юртимиз миқёсидаги муҳим масалага айланди.

## Соғлом фарзанд — мустаҳкам келажак

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ аҳоли саломатлиги, халққа малакали тиббий хизмат кўрсатиш масаласи Бош Қомусимизда, тегишли қонун ва қарорлар, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланди. Хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Марказий шифохоналардан қишлоқ врачлик пунктларигача — барча тиббиёт муассасалари замонавий усқуналар, тиббий анжомлар билан таъминланди ва бу жараённинг изчиллиги ва долзарблиги сусайгани йўқ. Халқимизга сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида юртимизда мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Президентимизнинг 1998 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармони мазкур соҳани тубдан ислоҳ этиш жараёнини бошлаб берган эди ва бу эзгу ишлар бугун ҳам тўхтаб қолгани йўқ.

Она ва бола саломатлиги миллатнинг, халқнинг ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатнинг ободлигини таъминловчи куч, шубҳасиз, соғлом, тўрт мучаси бут фарзандлардир.

**Акбаршоҳ ТЕШАБОВЕВ,**  
Тошкент давлат  
юридик институти талабаси



Intellect olami

## Янги ихтиролар

Тадқиқотчилар ҳулосасига кўра, жаҳон углеводород хомашё захираларининг тугаб бориши шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунёнинг 70 га яқин мамлакатлари ўз олдида қуёш, шамол, сув энергиясидан фойдаланиш орқали муқобил энергия манбалари — қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш мақсадини қўйган. Мамлакатимизда ҳам муқобил энергия манбаларини жорий қилишни ривожлантириш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган видео-конференция ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси энергетика ва автоматика институти ходимлари, республика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда вазирлик масъул ходимлари қатнашди.

Юртимиздаги олий таълим муассасаларида бу соҳада қатор тадқиқотлар олиб борилган ва салмоқли натижаларга ҳам эришилган. Биргина Тошкент давлат техника университетида қуввати 5 кВт га тенг бўлган қуёш генератори ишлаб чиқарилиб, генератор учун зарур бўлган наноструктуралар янги материал, индивидуал фойдаланиш учун мўлжалланган универсал қуёш электростанцияси, фотоэлектрик қуёш

панели, аккумуляторлари устида тадқиқотлар олиб борилляпти. Қарши муҳандислик иқтисодий институтида эса, Муборак электр иссиқлик маркази билан ҳамкорликда биогаз олиш экспериментал қурилмаси яратилган. Самарқанд давлат университетида қуёш батареялари ишлаб чиқилган бўлиб, улар ёрдамида қудуқдан сув чиқариш ҳамда хонадонларни ёруғлик билан таъминлаш муваффақиятли синовдан ўтказилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалида яратилган биогаз олиш қурилмалари Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги паррандачилик ва чорвачилик корхоналарида, шунингдек, Хива ва Гиждувон туманлари хўжаликларида ўрнатилиб, фойдаланилмоқда.

Бундай амалий тадқиқотлар Андижон, Фарғонада ҳам самарали амалга оширилган. Бу ҳақда видео-конференцияда маълумот берилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири



## Денгиз филига шаҳар ёқди

Бразилияда адашиб қуруқликка чиқиб қолган денгиз фили шаҳар кўчаларида судралиб юриб, мамлакатнинг кичик шаҳарчаларини томоша қилди.

Унга шаҳардаги, айниқса, оқ чизиқли пиёдалар йўлкаси манзур бўлди, шекилли, бирон-бир йўлкани «бегона қилмади». Барчасидан юриб кўрди. Натижада, шаҳарда ярим соатлик автомобиллар тирбандлиги рўй берди. Шаҳар аҳолиси эса денгиз жониворига сув сепиб, унга янада қулайлик яратишга ҳаракат қилиб турди. Полиция ходимлари 500 килограмм оғирликка эга, узунлиги 3 метрдан ошадиган судралувчи филни бир амаллаб денгизга олиб бордилар. Маълумотларга қараганда, шаҳарча аҳолиси, орадан икки кун ўтиб, денгиз филини ўзи учун қадрли шаҳар ичидан оқиб ўтадиган Камбориу дарёсида сузиб юрганини кўришди.

## Қурумсоқми ёки уддабурон?..

Австралия озиқ-овқат дўконларидан бирининг эшигида ғалати ёзув пайдо бўлди. Унда шундай ёзилган эди: «Биз маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни 5 доллар эвазига берамиз, маҳсулот олинган тақдирдагина берилган маълумотга ҳақ тўланмайди».

Дўкондор сўзларига қараганда, харидорлар дўконга кириб, сотилаётган маҳсулотлар ҳақида батафсил маълумот олишади, сўнгра чиқиб кетиб маҳсулотларни онлайн дўконлардан интернет орқали буюртма билан бошқа жойдан харид қилишар экан. Брисбен шаҳрида жойлашган бу дўкон мижозлари анча камайган бўлса-да, дўкон эгаси — Жоржинининг сўзларига қараганда, қўшни дўконлар ҳам бу услудан фойдалангандан сўнг ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Ҳозирча ташаббускор Жоржинининг қарорини қўшни дўкон эгалари оқламаяпти. Мутахассислар фикрига кўра, энди Жоржина мижозларининг сўнган қизиқишини қайта уйғотиш учун яна нимадир ўйлаб топиши лозим. Масалан, эски мижозлари уйига реклама хатларини тарқатиши мумкин.

## Сақичдан унумли фойдаланди

Француз рассоми Жереми Лаффон сақичлардан шаҳар макетини ясади. Унга тўрт мингдан зиёд сақич пластинкаси сарфланди. Макетнинг баландлиги икки метр, кенглиги уч метрдан ошади.

Рассомнинг бундай ажойиб санъат асарини бунёд этишига нақ уч ой вақт керак бўлди. Аввалига Лаффон сақичларни дўкондан харид қилди, сўнгра «Cadbury» компанияси унга «қурувчилик ашёларини» етказиб берди. Шунингдек, унинг сўзларига қараганда, у аввалига қарта ёки гурт чўпидан макет ясамоқчи бўлган эди. Сақичда бироз қийналишига тўғри келди. Муаллиф ўз санъат асарини Лимож шаҳридаги кўрғазмада намойиш этди.

**Интернет манбалари асосида Жаҳоҳир ҚАРОВАТОВ тайёрлади**





Пойтахтимиздаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказидаги доира тўғараги санъатга меҳри баланд, шижоатли ёшлар билан доим гавжум.

**СУРАТДА:** тўғарак аъзолари — Дониёр Турсунбоев, Абдунаби Қутбиддинов, Салоҳиддин Шаҳбозов навбатдаги чиқишга тайёргарлик кўряпти.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

## Ибрат олайми ёки ҳайратланаймми?

«Turkiston»нинг 2013 йил 13 март сонидан эълон қилинган Наргиза Умарованинг «Клиптомания — «оммавий маданият»га эгизак иллат» номли мақоласини ўқиб, чуқур ўйга толдим. Дарҳақиқат, бугунги кунда телевидение, шунингдек, мусиқий телеканалларнинг асосий аудиториясини ёшлар ташкил этмоқда.

Баъзан бирор клипни кўрсатиб, гарчи у мазмунсиз бўлса ҳам, қандай яқунланишига беихтиёр қизиқамиз. Айрим клипларда илгари сурилайётган тутуриқсиз ғоялар, ҳатто иродаси мустаҳкам инсоннинг ҳам фикрлаш тарзига қисман бўлса-да,

ўз таъсирини кўрсатади. Кези келганда унча оммалашмаган қўшиқларга ишланган клиплар тезда ўз муҳлисига эга бўляпти. Бундан келиб чиқадики, ҳозирги томошабин қўшиқнинг маъно-мазмунига эмас, балки кўпроқ клипига баҳо бермоқда.

Фақат хонанданинг беъҳшов сакрашлари ва азоб чекиб қийнаётганини акс эттирувчи клипларни томошабин на кулиб қарши олишни ва на ачинишни билмай томоша қилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бирор қийинчиликка учраганида инсон, биринчи навбатда, ҳаёт тажрибасига суянади. Бундай ҳолатда дўстим бундай қилгани ёки фалончи шундай йўл тутади, қабилида мулоҳаза юритиб, муаммодан чиқиб кетиш учун чора из-

лайди. Дунёқараши ҳали тўла шаклланмаган, ҳиссиётга берилувчан, тақлид қилишга мойил ўсмир-ёшлар учун клиплар қандай тажриба вази-фасини ўтайди?! Ўзининг жонига қасд қилишлар, инсонга тажовуз қилиш ва шунга ўхшаш шафқатсиз лавҳаларга бой клиплар кишида хавотир уйғотмай қолмайди, албатта.

Видеоклипларнинг ҳаммасини ҳам чиқитга чиқара олмаймиз. Зеро, улар орасида профессионал ишланганлари ҳам кўп. Мана шундай асарлар кўпайса, фойдадан холи бўлмайди.

Ҳамида УСМОНОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

Қиммат-баҳо тош тури	Тропик мева					Тўтиқуш тури	Япроқ	Ғалаба, ютуқ										
	1			8	7					4								Жамол, ҳусн
		6	1	2	5	9	Олдин, илгари			8	6	4						
		2	9	6	1					6	9	8		2				
	8				9	1	Олов, оташ	Мабодо, бордио	...-садо			1	7					
											2	8	4					
	7	9				6				8	4	3						
		5	7	4	6						4		9	5	7			
	6	8	1	5	3							3	5	9				
		2	6		9		Ором, хордик	Зах, ҳул	Катта ўғил	6							3	
							Ўзбек автоси русуми						Штат (Хиндистон)	Вафодор жонивор	Учинчи нота			
Миллий торли чолғу	Алоэ		Китоб қисми	Инкор этиш														
							Кўмак, ёрдам						Оде-колон, ...-ула					

Тузувчи: Гулжаҳон Сувонова

Munosabat

# SMS

Европада «SMS-ойпарастилик» касаллиги пайдо бўлди. Бу хасталик аломатига кўра, ёшлар ухлаб ётганларида келган эс-эм-эс-хатларга уйғонмасдан жавоб ёзиб юбораверар экан.

(Интернет хабари)

Сенга ёзаяпман эс-эм-эс,  
Аммо эсим — эс эмас.  
Сендан жавоб келмайди-да тез,  
Битаман. Қутадиған кез эмас.

Уйқум келиб-кетмоқда жуда,  
Кимлар нима демоқда бунда,  
Эсга келмас, қолмайди эсда,  
Эсим фақат эс-эм-эсда.

Сенга ёзаяпман эс-эм-эс,  
Аммо эсим — эс эмас.  
Бу учта ҳарф — уч денгиз эл  
Ошиб ўтиб бўлмайди ҳаргиз.

Эс-эм-эс — жўшиб ёзилмайдиган сўз.  
Ва юзма-юз сезилмайдиган ҳис.  
Эс-эм-эс — «смайлик»дек жилмайдиган билан  
Бир очилиб кулмайдиган қиз.

Сенга ёзаяпман эс-эм-эс,  
Аммо эсим — эс эмас,  
Бунча чўзиқ бу ҳар битта сўз,  
Ҳаттоки ҳарф — ҳариф, дўст эмас.

Эс-эм-эс тўлови — бир чақа,  
Лек аламдан ушлайман ёқа.  
«Пайнет» бугун нега ишлама?  
Кеча қарагандим қаяққа?..

Сенга ёзаяпман эс-эм-эс,  
Аммо эсим — эс эмас.  
Эс учун кераги — биз эмас,  
Сен томонга кетиб қолган эс.

Фулом МИРЗО

Ajabo!

## АНТИҚА УДУМЛАР

Африка қитъасидаги қабилаларнинг ўзига хос, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган удумлари мавжуд. Қизиқяспизми? Унда эшитинг. Мазкур қитъанинг галла қабиласи аъзолари ўзларининг туғилган кунини 8 йилда бир маротаба нишонлар экан. Сабаби, бу қабила вакиллари орасида «йил» тушунчаси мавжуд эмас. Улар яшайдиган чакалзорлар тўрт фаслда ҳам бир хил қиёфада бўлади. Энг қизиги, қабиланинг тақвими ҳам йўқ. Кукуйю қабиласининг аъзолари эса ўз туғилган кунларини роппа-роса 13 йилда бир марта нишонлайдилар.

Тобо қабиласида ҳам ажабтовур удумлар мавжуд. Борди-ю, қабила йигитлари бирор қизга уйланиш ниятида бўлсалар, ўша қиз яшайдиган уйга келиб, рақс тушиб, қўшиқ айтишлари шарт. Нигерияда эса бу анъана унданда антиқа. Узун-узун таёқлар билан қуролланган келиннинг қариндошлари «тирик йўлак» ҳосил қиладилар. Сўнгра, шўрлик куёв ўша йўлақдан юриб ўтади. Бу вақтда келиннинг қариндошлари уни таёқ билан бошлаб савалашади ва шу орқали унинг мустақил ҳаёт қийинчиликларига қанчалик тайёр эканликларини синаб кўришади. Кўраяспизми, баъзи жойларда уйланиш ҳам осон эмас!

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ тайёрлади

## YON DAFTARCHANGIZGA

Инсониятга нафинг тегмагунча, сени ҳақиқий инсон деб бўлмайди.

Паҳлавон Маҳмуд

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Юсупов  
Рустам  
Қўчқорович

Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-443.  
Адади — 14598

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 23.25  
ЎЗА якуни — 21.45

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6